O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

MINISTRY OF HIGHER AND
SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095, Toshkent sh., Olmazor tum., 2-Chimboy ko'ch., 96
Telefon: (998-71) 246-01-95, Faks: (998-71) 246-10-81

100095, Tashkent, Olmazor district, 2-Chimbay street, 96
Phone: (998-71) 246-01-95, Fax: (998-71) 246-10-81

24.12.2018 №87-01-854

**Барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ва ташкилотлар раҳбарларига**

Мамлакатимиз Раҳбарияти томонидан профессор-ўқитувчиларнинг макоми ва обрўсини ошириш мақсадида уларни турли назорат органлари томонидан текширувини чеклаш, турли таалуқли бўлмаган йиғилишларда иштирок этиш, обуна компанияларига ва ваколатлари доирасидан ташқаридаги бошқа ишларга жалб қилишни таъқиқланди.

Шунга қарамай айрим олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида таълим тизими ходимларининг ва уларда таҳсил олаётган талабаларнинг ҳуқуқлари бузилишининг ҳанузга мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотларга зиддир. Хусусан:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мажбурий обуна таъқиқланганлигига қарамай, айрим олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида турли нашрларга мажбурий обуна ташкил этиш ва пул йиғиш харакатлари;

Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан ташқари асосларда ташкил этиладиган хашарларга профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни жалб этиш;

таълим муассасаларида ташкил этилган Спорт клубларини сақлаш учун талабалардан турли йиғимларни амалга ошириш каби юз бераётган ноқонуний ҳаракатлар оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар мурожаатлари орқали Вазирликка етиб келмоқда.

Шу муносабат билан қуйидагиларни талаб қиламан:

1. Юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларни Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасаси ва унинг қуйи таълим муассасалари (малака ошириш марказлари ва академик лицейлар) фаоллари иштирокида муҳокама қилинсин.

2. Таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ходимларни мажбурий обуна қилиш ва пул йиғиш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан ташқари асосларда ташкил этиладиган хашарларга жалб этиш ва ҳар қандай асоссиз ойлик маошидан ушлаб қолишлар, турли тадбирлар (ўқув, илмий, спорт, маданий ва бошқа)ни ташкил этиш учун талабаларлардан турли йиғимларни амалга ошириш маън этилсин.

3. Ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйган мутасадди ходимларга нисбатан **қатъий чоралар** кўрилишидан юзасидан огоҳлантираман.

**Вазир** **И.Маджидов**